



21.01.2022 даги

Олмалик шаҳар Электр тармоқлари ва Тошкент вилояти ҳокимлиги Махсус базаси ўртасида 877500,00 сўм  
умумий суммага тузилган 140076 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 178  
Шахсий ғазна ҳисобварак 100021860272597029902178001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4221000			
Январь	292 500,00			292 500,00
Февраль	292 500,00			292 500,00
Март	292 500,00			292 500,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>877 500,00</b>			<b>877 500,00</b>

Жами 877500,00 сўм

Саккиз юз етмиш етти минг беш юз сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойдаги 100 % жорий ойнанинг 25 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў

(имзо)

Рузматов Ф. Р.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Миржалалова Д.А.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ҳодими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ й.

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_ й.

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2022 йил 21 снварь № 140076 сон Ойиланиш

"TOSHKENT NETK" AJ Ойиланиш туман (шаҳар) электр таъминоти  
корхонаси (кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади)

№ \_\_\_\_\_ сонли Бош ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбари

М.И. Юсупов

бир тарафдан ва

(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

Тошкент вилояти ҳокимлиги Маҳсулот базаси  
(истеъмолчининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг \_\_\_\_\_ асосида

фаолият юритувчи раҳбари Ф.Р. Аръматов  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш.)

томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилди:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва "Истеъмолчи" истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 1950 кВт.с. реактив 4 кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 877500 сўмни, тариф бўйича 450 ташкил этади.

тариф турри: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (керакиси ёзилсин)

2.3. "Истеъмолчи"га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инobatта олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тadbиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаландан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган

насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тугри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган кувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматда муқофот олиш имконини берилган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоқлар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатирилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. "Истеъмолчи" ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

"Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона"га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "25" санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган "Истеъмолчи"лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланганидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан махсус дастурий махсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб

равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирари)*.

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. *Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.*

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган

маблаглари карзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (қолдирдан ҳақ тўлаш) шифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдориди, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоизи миқдориди пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан араланиш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, галон-тароҳ қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларни, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдориди тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр қурилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимида риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоинспекциясининг» ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш.

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камидан бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда "Таъминотчи корхона"га буюртманомга бериш.

Келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган "Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик, яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

"Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3 "Таъминотчи корхона" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида "Истеъмолчи"ни электр тармоғидан узиб қўйиш.

ЎХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантirmасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

"Таъминотчи корхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун "Таъминотчи корхона" жавобгар бўлмайди.

4.4. "Таъминотчи корхона" қуйидагиларга мажбур:

"Истеъмолчи"га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камидан 3 кун олдин огохлантириш.

"Истеъмолчи"ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда "Истеъмолчи"га олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги "Истеъмолчи"нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

"Истеъмолчи"га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш.

"Истеъмолчи"нинг белгиланган тартибда қиритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, шомбалашни таъминлаш.

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, "Таъминотчи корхона" бунинг

натijasida etkazilgan haqiqiy zararни koplashga, "Iste'molchi" esa etkazilgan haqiqiy zararни koplashga majbur.

5.2. "Ta'minotchі korxonа" "Iste'molchi" oldida moddiy javobgar b'ulmaydi agar:

"Iste'molchi" elektr energiyasi iste'molinинг belgilangan rejimiga rioya qilmay, elektr energiyasi iste'moli ёки kuvatининг shartnomavіy mикдорidan oshib ketishiga йўl kўyганда, "Ta'minotchі korxonа" tomonidan belgilangan elektr energiyasi cheklash javvali bajarmagani tufayli past sifatlіy elektr energiyasi etkazib berilganligi uchun;

zaxira manbai avtomatik ishga tushganda, avtomatik kайta ulash va avtomatik tarzda chastotani sozlash bilan bogliq ўchirishlar vaqtida elektr energiyasini etkazib berish borasida gі tanaффуслar uchun "Iste'molchi" oldida moddiy javobgar b'ulmaydi.

5.3. Tomonlar ularning hoхishi va xarakatlariga bogliq b'ulmagan tabiiy ofatlar ёки ijtимoiy-iktisodiy vaziyatlar sababli ushbu sharoitlarda kайtarib b'ulmaydigan va oldindan bилиb b'ulmaydigan favqulodda holatlarни ўz ichiga olgan engib b'ulmas kuch (форс-мажор) oқibatida ўz zimmasiga olingan majburiyatlarni bajara olmasa, tomonlardan hech бири ўz majburiyatlarni tўliq ёки kisman bajarmagani uchun javob bermaydi.

5.4. Mazkur shartnomani bajarish jараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик va nizolar muzokara ўtказиш orqali hal kilinadi. Kелишмовчиликларни muzokara ўtказиш orqali hal kilishning иложи b'ulmaganда, ular konunchilikda belgilangan tartibida hal kilinadi.

5.5. Elektr energiyasi yagona elektr energetika tizimidan tranzit b'uyicha iste'molchining elektr tarmoni orqali hududiy elektr tarmoqlari korxonasining elektr tarmoni ga uzatilganda, iste'molchi tarmoqlaridaги elektr energiyasi texnologik sarfining bir qismi, iste'molchining elektr tarmoni ga kелиb tushgan elektr energiyasining umumiy mикдорiga nisbatan hududiy elektr tarmoqlari korxonasining elektr tarmoni ga iste'molchi tomonidan uzatilgan elektr energiyasi mикдорiga mutanosib ravishda, yagona elektr energetika tizimining elektr tarmoqlaridaги texnologik sarflariga ўtказiladi.

## VI. YAKUNIY SHARTLAR

6.1. Shartnoma 2022 йил 31 dekabr gacha b'ulgan muddatga tuziladi.

Shartnomaning amal kilish muddati tugaganda, tomonlardan бири уни uzaytirish ёки bekor kilish b'uyicha ariza bermagan b'ulsa, shartnoma keyingi har bir йилga uzaytirilgan hisoblanadi (Budget tashkilotlari bundan mustasno). Ariza ushbu Shartnomaning amal kilish muddati tugashidan bir ой oldin takdim etilishi lozim.

6.2. Mazkur shartnoma bir hil yuridik kuchga ega b'ulgan va tomonlarning har birida saklanaytgan ikki (Budget tashkilotlari uchun uch) nusxada tuzilgan. Shartnomaning ilovalari uning ajralmas qismi hisoblanadi.

6.3. Tomonlarning birini tashabbusi bilan shartnomani muddatidan oldin bekor kilish, ikkinchi tomonni bekor kilish muddatidan ўttiz kun oldin xabarдор kilgan holda va tomonlar ўzaro hisob-kitob kilishi sharti bilan bekor kilinishi mumkin. Bekor kilish tўg'risida xabarнома e'zma ravishda yoboriladi.

6.4. Barча ўzgartirish va kўshimchalar, agar ular faqat e'zma ravishda amalga oshirilib, tomonlarning vaqolatli шахslar tomonidan imzolangan b'ulsa, haqiqiy hisoblanadi.

6.5. mazkur shartnoma talablarida nazarda tutilmagan tartib – koidalар Vazirlar Maхkamасining 2018 йил 12 январдаги 22 son qarori bilan tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalаниш koidalari hamda boscha amaldaги normativ – huqukiy хужжатlar talablariga muvofiq tartibga solinadi.

## VII. TOMONLARNING MANZILLARI VA BANK REKVIZITLARI

### ISTE'MOLCHI:

Юридик манзили *Тошкент вилояти ҳоқимлиги Махсус базаси*

Хисобраками *23402000300100001010 МБ Тошкент шаҳар ББХККМ*

Банк коди (МФО) *00014 STIR* (ИНН) *201122919 Янгийўл тумани Газначилик бўлими*

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Исте'molchilar uchun:

Бюджет фондининг хисобраками *100021860272597029902178001*

Банк коди (МФО) *00014 STIR* (ИНН) *200470226*

Бюджетдан ташқари фондининг хисобраками \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: *70.601-12-33* Факс: \_\_\_\_\_ e-mail: \_\_\_\_\_

(Iste'molchining, shu jumladan raхbarining uzli, faks telefonlari kodi elektron manzil e'tiladi)

Кадастр раками \_\_\_\_\_

### Статистик кодлар:

IFUT (OKЭД) \_\_\_\_\_

DBIBT (COOГУ) \_\_\_\_\_

MHOBT (COATO) \_\_\_\_\_

(KFC) \_\_\_\_\_

TSHK (KOPF) \_\_\_\_\_

### ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили \_\_\_\_\_

Хисобраками \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар: \_\_\_\_\_

DBIBT (COOГУ) \_\_\_\_\_

MHOBT (COATO) \_\_\_\_\_

Исте'molчи:

Ф.Ф. Рахматов

М.У. и'мзо, лавозими, Ф.И.Ш.

Таъминотчи корхона:

М.У. и'мзо, лавозими, Ф.И.Ш.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси *олмалик* юристконсулт *Дониев Т*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талаблари монйилик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги nizolarni hal kilish tartibi белгиланган.

Юристконсулт \_\_\_\_\_

Электр таъминотининг шартномасига  
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи II
2. Фаолият тури суюлжет
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 25 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 25 кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) II
- Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (амалда) II
6. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури табақалаштирилган, бир ставкали еки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси эзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	1,950	877500			
Январь	0,650	292500			
Февраль	0,650	292500			
Март	0,650	292500			
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади 24 соат, ойга 30/31 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I \_\_\_\_\_ II \_\_\_\_\_ III \_\_\_\_\_



11

Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб-Истеъмолчи)нинг прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қолпоғидаги пломбанинг рақами	Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициентини		Ҳисоб-китоб коэффициентини	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/1 кВт с
				Ток	Кучланиш			
Бино ишга.	CE102	00370604 5000592	126850	a	a	a	57485	450



Имзолар:



12

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъудлик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловлар тузилади

Хисобга олиш прибори давлат рақами 0090604  
трансформатори  жами коэффициент  ток трансформатори  кучланиш  
уланган қуввати 5000592 кВт

Хисобга олиш прибори ўрнатилган манзил Промзона

1. Тариф гуруҳи II Фаолият тури ишхона, кфн, мфн, куча уй рақами  
Курчиг' Лош  
Труба ишхона, Шлакоблок, Гидро, Камера, Асфалт, Чехи, Насос, Савдо, Кафе, Ойхона, Устaxona ва...

1. "Истеъмолчи"нинг балансидан куйидаги электр қурилмалар мавжуд:  
а) ҳаво электр тармоғи

б) кабель электр тармоғи АВВГ 4x4 L-200м

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами X X кВА

2. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси ОТМ К АЖ УПЖТга сувчиловой станциясидан

Ташқи ОЧКВ м ҳаво тармоғи таъми 75дм изоляторга  
уланган кабел узи уланган

Улардан куйидагиларга:  
а) 75-таъмиг изоляторга уланган кабел узи  
уланган домлаб директ электр хужаймасига  
хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан.

"Истеъмолчи" билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № X сана X й.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат  
кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш" шартномаси тузмаси УПЖТК  
томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси куйидагича белгиланди: 3-илова асосига



Истеъмолчи  
(имзо)  
М.Ў.

Таъминотчи корхона  
(имзо)  
М.Ў.



Вакиллар:

Ф.Р.Рузमतов

Юсуфов.  
(Ф.И.Ш.)

Гл энергетик УПЖТ Рузमतов

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати X кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари X кВт.соат ёки X %, реактив энергия йўқолишлари X кВт.соат ёки X % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўқотиш:  
Узунлиги 200 м;  
Кесим юзаси 4x4 мм<sup>2</sup>;  
Русуми АВВГ;  
Кучланиши 0,23 кВ бўлса, X кВт.соатни, ёки 5 % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:  
Узунлиги X м;  
Кесим юзаси X мм<sup>2</sup>;  
Русуми X;  
Кучланиши X кВ бўлса, X кВт.соатни, ёки X % ташкил этади.

Энергияни хар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг 5 фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг хар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маънавий истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарига ҳама бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.



Истеъмолчи:  
Ф.Р.Рузमतов  
М.Ў.

Имзолар:



Таъминотчи корхона:  
М.Ў. (Имзо)

Гл энергетик УПЖУ Рузमतов

2. Реактив энергиянинг иктисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган қувват коэффициентининг оптимал микдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.  
 Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги микдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.  
 Тарифга устама қўшилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.  
 10% - реактив энергиядан иктисодий киймат микдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.  
 Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.  
 Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив киймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.  
 Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.  
 Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.  
 Чегирма қўшилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

Ф.Р.Рузматов

М.Ў.

Таъминотчи корхона:

(Имзо)

М.Ў.

Электр таъминотининг шартномасига  
7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг Вақола

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:  
 1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.  
 б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт  
 II босқич \_\_\_\_\_ кВт  
 III босқич \_\_\_\_\_ кВт  
 IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг тармоғидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши захира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига қирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

Ф.Р.Рузматов  
М.Ў. (Имзо)

Таъминотчи корхона:

М.Ў. (Имзо)